

**“COVID-19” БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ХОМИЛАДОР ОНАЛАРДАН  
ТУҒИЛГАН БИР ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ АНТРОПОМЕТРИК  
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАХОЛАШ**

*асс. Султонова М.Б.,*

*Тошкент Педиатрия тиббиёт институти  
Анатомия, патологик анатомия кафедраси*

*Тошкент, Ўзбекистон*

*[mohirasultanova04@gmail.com](mailto:mohirasultanova04@gmail.com)*

**Аннотация.**

Хозирги кунда коронавирус инфекцияси пандемия даражасида тарқалиб, хомиладор аёлларнинг вирусга чалиниш холлари кўплаб учрамоқда. Хомиладор она организмида одатий равишда аъзолар ва уларнинг тизимлари кўшимча юкламалар билан фаолият юритиб, организмнинг қаршилиқ кучлари пасайишига олиб келади. Хомиладорлик даврида она организмига респиратор бузилишларга олиб келувчи вируслар таъсири натижасида, уларнинг хомиладорликнинг қайси даврида кечиши ва қандай даволаш чора-тадбирлари қўлланилиши билан боғлиқлиги тўғрисида илмий адабиётларда маълумотлар жуда кам, мавжудлари ҳам маълум бир тартибга солинмаган. Юқоридаги маълумотларга асосланган холда, “COVID-19” инфекциясининг хомиладор она организмига юқиши ва унинг натижасида ривожланган бола аъзо ва тизимларининг нормометрик хусусиятлари тўлиқ ўрганилмаганлиги аниқланди.

**Калит сўзлар:** Хомиладор аёллар, “Covid-19” инфекцияси, 1 ёшдаги болалар, тана вазни, бўй узунлиги, антропометрик кўрсаткичлар.

**Аннотация.**

В настоящее время распространение коронавирусной инфекции находится на уровне пандемии, а заболеваемость вирусом у беременных высока. В организме беременной женщины обычно органы и их системы работают с дополнительными нагрузками, что приводит к снижению резистентности организма. В результате воздействия вирусов, вызывающих нарушения дыхания у матери во время беременности, в научной литературе очень мало сведений о том, на какой стадии они находятся при беременности и какие лечебные мероприятия применяются, а существующие не регламентированы. На основании приведенных данных установлено, что заражение COVID-19 в организме беременной матери и обусловленные этим нормометрические особенности развивающихся органов и систем ребенка до конца не изучены.

**Ключевые слова:** беременные, инфекция Covid-19, годовалые дети, масса тела, высота длина, антропометрические показатели.

### Annotation.

Currently, the spread of coronavirus infection is at the level of a pandemic, and the incidence of the virus in pregnant women is high. In the body of a pregnant woman, organs and their systems usually work with additional loads, which leads to a decrease in the body's resistance. As a result of exposure to viruses that cause respiratory disorders in the mother during pregnancy, there is very little information in the scientific literature about the stage at which they are during pregnancy and what therapeutic measures are used, and the existing ones are not regulated. Based on the data presented, it has been established that infection with COVID-19 in the body of a pregnant mother and the resulting normometric features of the developing organs and systems of the child have not been fully studied.

**Key words:** pregnant women, Covid-19 infection, one year old child, body mass, height legth, anthropometric parameters.

Хомиладорлик - бу респираторли вирусли инфекцияларга мойилликни келтириб чиқарадиган табиий физиологик ҳолат. Иммуни тизим ва юрак қон томир, нафас олиш тизимларидаги физиологик ўзгаришлар туфайли хомиладор аёлларда оғир респиратор вирусли инфекциялар ривожланиш эҳтимоли юқорилиги тасдиқланган [10]. SARS-CoV ва MERS-CoV вируслари ҳам хомиладорлик даврида оғир асоратларни келтириб чиқариши, жумладан, эндотрахеал интубация натижасида реанимация бўлимига ётқизиш зарурлиги, ҳамда буйрак этишмовчилиги ва ўлимга олиб келувчи ҳолатлар ҳам аниқланган [1,12]. Хомиладор аёллар орасида SARS-CoV инфекциясидан ўлим даражаси 25% гача етган [12]. Ҳозирги вақтда COVID-19 нинг хомиладор аёлларга ва чақалоқларга таъсири тўғрисида етарли маълумот йўқ, хомиладор аёллар учун COVID-19 ташхиси ва даволаш бўйича аниқ тавсиялар мавжуд эмас.

Хомиладор аёлларнинг организмидаги ўзгаришлар (биринчи навбатда нафас олиш ва иммуни тизими органларида) туфайли коронавирус инфекциясига кўпроқ мойиллиги мавжудлиги тўғрисида бир-бирига зид маълумотлар мавжуд. Илгари хомиладор аёллар инфекцияга умумий аҳолидан кўра кўпроқ мойил эмас деб таъкидланган [10]. Хитой, Италия ва АҚШдан келган бир қатор нашрлар COVID-19 инфекциясини юқтириб олган хомиладор аёллар организмида бошқа беморларга ўхшаш жараён содир бўлишини кўрсатди [2,5,8]. Ҳозирги кунда, хомиладор аёлларда COVID-19 касаллиги аҳоли сонига нисбатан кўпроқ эканлиги аниқланган [14,15]. Маълумотларга кўра, уларнинг ўзига хос иммуни хусусиятлари ва нафас йўллари патогенларига мойиллиги туфайли хомиладор аёллар касалланган SARS-CoV-2 оғир ва ўлим хавфи юқори бўлган гуруҳ сифатида кўриб чиқилиши лозим. Кўпгина тадқиқотлар шуни кўрсатдики, COVID-19 билан касалланган беморларда хомиладорликнинг салбий

оқибатларини кўриш мумкин [3,7,9,13]. COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёллар касалликнинг барқарор ривожланиши фонида тасодифан жиддий патологик аломатлар пайдо бўлиши мумкин [11]. 2021 йилда 10000 ҳомиладор ва 128176 ҳомиладор бўлмаган аёлларни тизимли равишда кўриб чиқиш натижасида ҳомиладор бўлмаган беморларга нисбатан (11,3% (9,6-13,3) ва 6,4% (4,4-8,5)) [6] ҳомиладорлик ўлими ошгани маълум бўлди. Ҳомиладорлик даврида SARS-CoV-2 нинг онадан ҳомилага юқиши эҳтимолдан холи эмаслигини таъкидлайди, аммо туғилгандан кейин чақалоқ COVID-19 билан касалланган одам билан алоқа қилиш туфайли инфекцияга мойил бўлиши мумкин. Лекин 100000 ҳомиладор аёлларни мунтазам равишда кузатилганда натижалар шуни кўрсатдики, 5,3%ни вертикал юқиш эҳтимоли билан туғилган чақалоқлар ва 19% ни эса COVID-19 билан касалланган беморлардан юққан янги туғилган чақалоқлар ташкил этди [6]. Плацентадан SARS-CoV-2 вирусининг ажралиш кўрсаткичи - 12% ҳолларда, киндик тизимчасидан - 6%, амниотик суюқликдан - 5,6%, кўкрак сутидан - 5,0%, вагинал секрециядан - 4,6% натижалар кузатувларда қайд этилди [6]. COVID-19 билан оғриган беморларда муддатдан олдин туғилиш даражаси 14,3-25,0%, преэклампсия ҳолати - 5,9%, бола ташлаш - 14,5%, мембраналарнинг муддатидан олдин ёрилиши - 9,2% ва ҳомила ривожланишининг кечикиши - 2,8-25,0% ни ташкил этди [4,6].

**Тадқиқотнинг мақсади:** “Covid-19” билан касалланган ҳомиладор оналардан туғилган бир ёшдаги болаларда вируснинг оёқ-сон соҳасига таъсирини ўрганиш ва дастлабки баҳолаш мезони бўлган антропометрик кўрсаткичларини аниқлаш шу кўрсаткичларга асосланиб дастлабки тавсияларни бериш.

**Тадқиқотнинг материали ва услублари:** Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани 3-сонли туғруқ комплексида “Covid-19” билан касалланган ва даволанган ҳомиладор аёллардан туғилган жами 22 нафар бир ёшдаги болалар ҳамда “Covid-19” билан касалланмаган, амалий соғлом бўлган оналардан туғилган 10 нафар бир ёшдаги болаларда бўйича текширилиб баҳоланди. Тана вазнининг тадқиқотлари уни максимал 25 кг оғирликкача мўлжалланган махсус тиббий болалар тарозиси ёрдамида ўлчаш йўли билан ўтказилди. Ўлчаш ишлари эрталаб, ичак ва сийдик пуфаги бўшатиладигандан кейин оч қоринга амалга оширилди, кийимлар ва поябзалларни ечиш сўралди. Бола тарози майдонининг ўртасида тинч ҳолатда ётқизилди. Олинган маълумотлар килограммларда (кг) белгиланди. 1 ёшдаги болалар бўй кўрсаткичларини горизонтал бўй ўлчагичда аниқланди. Бўй ўлчагич узунлиги 80 см. кенлиги 40 см тахтадан иборат. Тахтани бир томонига сантиметрли шкала ўрнатилган, бош қисмида қўзғалмас планка, охирида эса қўзғалувчан планка мавжуд. Ўлчаш жараёнида бош кийим, пойафзал, пайпоқ ечилади. Олинган маълумотлар сантиметрларда (см)

белгиланди. Гавда узунлиги кўкракнинг бўйинтуруқ кесими юқори четида юқори-кўкрак нуқтасидан (ўрта чизик бўйлаб) қов суяклари бирлашган бўғимнинг юқори четида қовға нуқтасигача ўлчанди. Боланинг бош айланасини аниқлаш учун лентали сантиметрдан фойдаланилди. Лентани ўнг чаккадан чап чаккага йўналтирган холда кўйилди. Сантиметрли лента олдиндан қош усти дўнглиги, кулок супраси устидан, оркадан энса дўмбокларидан кўйилди. Кўрсаткич натижалари қош устидан олинди. Кўкрак қафасининг антропометрик параметрлари ўлчанганида ўлчов лентаси ёрдамида кўкрак қафасининг доираси ўлчанди. Кўкрак қафаси шаклининг индекси Никитюк Б.А. [1989] бўйича аниқланди. Бола ётган ёки ўтирган ҳолатда бўлиб, ўлчов лентасини орқада курак учлари остидан, олдинда кўкрак устидан кўйилди ва натижа аниқланди. Ўлчаш сантиметрли лента ёрдамида амалга оширилади.

**Тадқиқотнинг натижалари.** Асосий гуруҳ учун олинган 22 нафар боланинг 12 таси 54,5% қиз болалар, 10 таси 45,5 % и эса ўғил болалардан иборат. Натижа учун олинган чақалоқларнинг 5 нафари 50% қиз болалар, қолган 5 нафари эса ўғил болаларни ташкил этади. Ўтказилган текширувлар натижасида асосий гуруҳ учун олинган 1 ёшдаги қиз болаларнинг бўйи 66,8 см дан 76,5 см гача ўзгариб - ўртача  $71,65 \pm 3,8$  см ни ташкил қилди. Тана вазни 7,69 кг дан 9,64 кг гача ўзгариб – ўртача  $8,7 \pm 0,4$  кг га тенг бўлди. Бош айланаси 45,7 см дан 46,2 см чегарада бўлди, ўртача  $45,95 \pm 0,12$  см ни ташкил қилди, кўкрак айланаси эса 47 см дан 48,6 см гача ўзгариб, ўртача  $47,8 \pm 0,33$  см ни ташкил қилди. 1 ёшдаги ўғил жинсли болаларнинг бўй кўрсаткичлари 67,9 см дан 77,1 см гача ташкил қилди, ўртача  $72,5 \pm 2,5$  см га тенг бўлди. Тана вазни 8,43 кг дан 10,62 кг гача ўзгариб – ўртача  $9,53 \pm 0,5$  кг га тенг бўлди. Бош айланаси 45,9 см дан 46,6 см чегарада бўлди, ўртача  $46,25 \pm 0,15$  см ни ташкил қилди, кўкрак айланаси эса 47,5 см дан 49,1 см гача ўзгариб, ўртача  $48,3 \pm 0,36$  см ни ташкил қилди. Назорат учун текширилган 1 ёшдаги қиз болаларнинг бўйи 67,2 см дан 76,6 см гача ўзгариб - ўртача  $71,9 \pm 2,98$  см ни ташкил қилди. Тана вазни 7,84 кг дан 10,36 кг гача ўзгариб – ўртача  $9,1 \pm 0,8$  кг га тенг бўлди. Бош айланаси 45,6 см дан 46,7 см чегарада бўлди, ўртача  $46,15 \pm 0,29$  см ни ташкил қилди, кўкрак айланаси эса 47,4 см дан 48,7 см гача ўзгариб, ўртача  $48,05 \pm 0,41$  см ни ташкил қилди. 1 ёшдаги ўғил жинсли болаларнинг бўй кўрсаткичлари 68,3 см дан 77,8 см гача ташкил қилди, ўртача  $73,05 \pm 3,01$  см га тенг бўлди. Тана вазни 8,07 кг дан 10,79 кг гача ўзгариб – ўртача  $9,43 \pm 0,86$  кг га тенг бўлди. Бош айланаси 45,9 см дан 46,9 см чегарада бўлди, ўртача  $46,4 \pm 0,32$  см ни ташкил қилди, кўкрак айланаси эса 47,9 см дан 49,3 см гача ўзгариб, ўртача  $48,6 \pm 0,44$  см ни ташкил қилди.

Ёши	Тана вазни		Бўйи		Бош айланаси		Кўкрак айланаси	
	Ўғил бола	Қиз бола	Ўғил бола	Қиз бола	Ўғил бола	Қиз бола	Ўғил бола	Қиз бола
Асосий гуруҳ	9,53±0,5	8,7±0,4	72,5±2,5	71,65±3,8	46,25±0,15	45,95±0,12	48,3±0,36	47,8±0,33
Назорат гуруҳ	9,43±0,86	9,1±0,8	73,05±3,01	71,9±2,98	46,4±0,32	46,15±0,29	48,6±0,44	48,05±0,41

**Хулоса.** Ўтказилган текширувларга асосан, соғлом оналардан туғилган бир ёшдаги болаларнинг дастлабки кўрсаткичларига нисбатан “Covid-19” билан касалланган хомиладор оналардан туғилган бир ёшдаги болаларнинг кўрсаткичлари бир мунча паст эканлигини кўриш мумкин. Олинган натижалар таҳлили ўрганилган кўрсаткичларнинг короновирус инфекцияси билан зарарланган оналардан туғилган бир ёшдаги болалар ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари амалий соғлом оналардан туғилган бир ёшдаги болалар ўсиш ва ривожланиш хусусиятларига мос ҳолда динамикада ўзгариб боради кузатилади. Уларнинг рақамлар кўринишида ўзгариб боради бир бирига муносабат бўлиб, болаларнинг умумий антропометрик кўрсаткичлари меъёр ҳолатидан паст эканлигини кўрсатди. Шунинг эътирофи этиш жоизки, короновирус инфекцияси билан зарарланган оналардан туғилган бир ёшдаги қиз болалар бўйи, тана вазни, бош айланаси ҳамда кўкрак айланаси ўғил болалар кўрсаткичлари каби ўзгариш тенденциясига эга бўлди. Ушбу ўрганилган жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари меъёр сифатида короновирус инфекцияси билан зарарланган оналардан туғилган болалар умумий ривожланишдан орта қолиши ва кейинчалик бошқа бир касалликларни эрта аниқлаш учун ўтказиладиган тиббий кўриклар натижаларини таҳлил қилишда меъёр сифатида мутахассислар томонидан ишлатилиши тавсия этилади ҳамда натижаларнинг самарали бўлишида аҳамиятли бўлади, деб ҳисоблаймиз.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Alfaraj SH, Al-Tawfiq JA, Memish ZA. Middle East respiratory syndrome coronavirus (MERS-CoV) infection during pregnancy: report of two cases & review of the literature. J Microbiol Immunol Infect 2019; 52:501-503.
2. Breslin N, Baptiste C, Gyamfi-Bannerman C, et al. COVID-19 infection among asymptomatic and symptomatic pregnant women: Two weeks of confirmed presentations to an affiliated pair of New York City hospitals. Am J Obstet Gynecol MFM 2020.

3. Chen L, Li Q, Zheng D, et al. Clinical characteristics of pregnant women with Covid- 19 in Wuhan, China. *N Engl J Med*. 2020;382(25):e100.
4. Rasulov X.A., Xidirova G.O., Sultonova M.B. "COVID - 19" blan kasallangan xomilador onalardan tugilgan chakaloklarni apgar shkalasi buyicha baxolash <https://www.mudarrisziyo.uz/index.php/innovatsiya/issue/view/5>.
5. <https://www.who.int/news-room/q-a-detail/q-a-on-COVID-19-pregnancy-childbirth-and-breastfeeding>.
6. Jafari M., Pormohammad A., Sheikh Neshin S.A., Ghorbani S., Bose D., Alimohammadi S., Basirjafari S., Mohammadi M., Rasmussen-Ivey C., Razizadeh M.H., Nouri-Vaskeh M., Zarei M.. Clinical characteristics and outcomes of pregnant women with COVID-19 and comparison with control patients: A systematic review and meta-analysis. *Rev Med Virol*. 2021 Jan 2:e2208. doi: 10.1002/rmv.2208. Epub ahead of print. PMID: 33387448
7. Khan MMA, Khan MN, Mustagir MG, Rana J, Haque MR, Rahman M.M. COVID- 19 infection during pregnancy: a systematic review to summarize possible symptoms, treatments, and pregnancy outcomes. *medRxiv*. 2020. 10.1101/2020.03.31.20049304
8. Liu D et al. Pregnancy and Perinatal Outcomes of Women With Coronavirus Disease (COVID-19) Pneumonia: A Preliminary Analysis. *AJR Am J Roentgenol*. 2020 Mar 18:1-6. doi: 10.2214/AJR.20.23072.
9. Liu H, Wang LL, Zhao SJ, Kwak- Kim J, Mor G, Liao AH. Why are pregnant 111 women susceptible to COVID- 19? An immunological viewpoint. *J Reprod Immunol*. 2020;139:103122.
10. Poon, LC, Yang H, Lee JC, et al. ISUOG Interim Guidance on 2019 novel coronavirus infection during pregnancy and puerperium: information for healthcare professionals. *Ultrasound Obstet Gynecol*. 2020.doi: 10.1002/uog.22013.
11. Vallejo V, Ilagan JG. A Postpartum Death Due to Coronavirus Disease 2019 (COVID-19) in the United States. *Obstet Gynecol*. 2020 May 8. doi: 10.1097/AOG.0000000000003950.
12. Wong SF, Chow KM, Leung TN, et al. Pregnancy and perinatal outcomes of women with severe acute respiratory syndrome. *Am J Obstet Gynecol*, 2004, 191(1):292-297.
13. Yan J, Guo J, Fan C, et al. Coronavirus disease 2019 (COVID- 19) in pregnant women: a report based on 116 cases. *Am J Obstet Gynecol*. 2020;223(1):111.e1- 111.e14.
14. Белокрыницкая Т.Е., Артымук Н.В., Филиппов О.С., Фролова Н.И. Клиническое течение, материнские и перинатальные исходы новой коронавирусной инфекции COVID-19 у беременных Сибири и Дальнего Востока. *Акушерство и гинекология*. 2021; 2: 48-54.
15. Белокрыницкая Т.Е., Артымук Н.В., Филиппов О.С., Шифман Е.М. Динамика эпидемического процесса и течение новой коронавирусной инфекции COVID-19 у беременных Дальневосточного и Сибирского федеральных округов. *Гинекология*. 2020; 22 (5): 6–11. DOI: 10.26442/20795696.2020.5.200439